

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЙИРИК БИТИМЛАР БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИГИ

Миржамолов Шухратжон Шавкат угли

Тошкент Давлат Юридик Университети докторанти

Аннотация: ушбу мақолада акциядорлик жамиятларидаги бошқарув органларининг йирик битимлар тузишидаги жавобгарлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинади. Мақолада йирик битимларнинг ҳуқуқий табиати, уларни тузишидаги ҳуқуқий механизмлар, бошқарув органлари иштирокининг тартиби ва уларнинг жавобгарлиги масаласи муҳокама қилинади. Шунингдек, миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, бошқарув органлари, йирик битим, зарар, тижорат таваккалчилиги.

Аннотация: в данной статье рассматривается вопрос ответственности органов управления акционерных обществ при заключении крупных сделок на основе законодательства Республики Узбекистан. В статье анализируется правовая природа крупных сделок, правовые механизмы их заключения, порядок участия органов управления и виды их ответственности. Кроме того, выдвигаются предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: акционерное общество, органы управления, крупная сделка, убытки, коммерческий риск.

Abstract: this article examines the issue of the liability of management bodies of joint-stock companies in the conclusion of major transactions, based on the legislation of the Republic of Uzbekistan. The paper analyzes the legal nature of major transactions, the legal mechanisms for their execution, the procedure for

the participation of management bodies, and the types of liability they may incur. In addition, proposals are made for improving national legislation.

Keywords: joint-stock company, management bodies, major transaction, damages, commercial risk.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини ривожлантириш, хусусий мулк ва инвестицияларни ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида акциядорлик жамиятларининг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Корпоратив бошқарув тизимида муҳим ўрин эгаллайдиган масалалардан бири – бу жамият бошқарув органларининг йирик битимлар тузишдаги ваколатлари ва жавобгарлигини ҳуқуқий жиҳатдан белгилашдир.

Айнан йирик битимлар акциядорлик жамияти молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатадиган операциялар ҳисобланиб, уларнинг қонуний ва шаффоф амалга оширилиши жамият ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан, бошқарув органларининг ваколатлари доирасидаги ҳаракатлари, мажбуриятлари ва қонунбузарлик ҳолатларида юзага келувчи жавобгарлик механизмларини ўрганиш долзарблик касб этади.

Акциядорлик жамиятларидаги йирик битимлар тушунчасига таъриф Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сонли (янги таҳрирдаги) Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун)нинг 83-моддасида берилган бўлиб, унга қўра акциядорлик жамияти томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров,

кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик ҳўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

Жамиятнинг йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди¹.

Мазкур қонун нормасида акциядорлик жамиятларидаги йирик битимлар тушунчасига унинг миқдори ва бошқа шу қийматдаги битимлардан фарқи, битим предметининг қийматини аниқлаш тартиби юзасидан умумий ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Ҳ.Р.Рахмонқулов ва С.С.Гулямовлар акциядорлик жамиятларидаги йирик битим тушунчаси берилган қонун нормасини шарҳлаб, йирик битимлар учун қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлайдилар:

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, www.lex.uz.
SJIF: 5.051

битим предмети ҳисобланган мол-мулк қиймати. У битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоиздан ортиқ бўлиши керак (бу таъриф Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 223-И-сон Қонунига асосан берилган, амалдаги акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоиздан ортиғини ташкил этган битим йирик битим ҳисобланади²);

битимларнинг йўналтирилганлиги, унинг оқибатлари: мол-мулкни олиш ёки тасарруфидан чиқариш, шу жумладан тўғри ёки эгри тарзда;

битимнинг хусусияти. Қонунда оддий ҳужалик фаолиятини юритиш асносида содир этиладиган битимлар йирик битимларга кирмаслиги кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳўжалик фаолиятида узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган, кўчмас мулк, бино, ускуна, бошқа мол-мулкларни сотиб олиш ёки тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ битимлар йирик битим ҳисобланади³.

Қонун чиқарувчи йирик битим тузиш ваколатини битим предметининг қийматидан келиб чиққан ҳолда жамиятда мавжуд бошқарув органлар ўртасида тақсимлайди.

Қонуннинг 84-моддаси биринчи-учинчи қисмларига кўра:

² Муаллиф изоҳи.

³ Р. Раҳмонкулов, С.С. Гулямов. Корпоратив ҳуқуқ. Ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2007. 368 б.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади⁴.

Шуни таъкидлаш лозимки, йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган сўнг унинг шартларини амалга ошириш битимни тузиш ҳақида қарор қабул қилган жамиятнинг бошқарув органи томонидан эмас акциядорлик жамиятининг ижро органи томонидан амалга оширилади.

С.М.Рустамова акциядорлик жамиятларидаги бошқарув органларининг йирик битимлар юзасидан жамиятга етказилган зарар бўйича жавобгарлиги хусусида ёзиб, акциядорлик жамияти томонидан йирик битимлар амалга оширилишида бошқарув органларининг жавобгарлиги билан бевосита боғлиқ бўлган фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усулларида бири –

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, www.lex.uz
SJIF: 5.051

бу йирик битим ҳақиқий эмас деб топилган ҳолда жамиятга етказилган зарарни қоплаш ҳисобланишини ҳамда одатда бундай турдаги зарар жамият бошқарувчилар томонидан етказилишини таъкидлайди.

Мазкур таърифнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларига йирик битим тузиш орқали етказилиши мумкин бўлган субъектлар, фақат қонун ҳужжатларида белгиланган махсус субъектлар бўлиши мумкин деган хулосага келиш мумкин.

Қонуннинг 81-моддаси олтинчи қисмида, жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик учун жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи жавобгар бўлиши белгиланган⁵.

Бундай жавобгарлик жамият бошқарув органларининг субсидиар жавобгарлиги ҳисобланиб, у бўйича жамиятга етказилган зарарни ундириш тартиби, нафақат акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, балки, фуқаролик ва меҳнат қонун ҳужжатлари билан ҳам амалга оширилади.

Мазкур турдаги қонунбузилиши ҳолатлари жамият бошқарув органларидаги бир нечта шахс томонидан амалга оширилган тақдирда уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, www.lex.uz
SJIF: 5.051

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 45-моддасининг учинчи қисмига кўра, қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўз вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт⁶.

Жамиятга етказилган зарарни ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритиш ҳуқуқи жамиятнинг ўзига ва унинг устав фонди (капитали)даги акцияларнинг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорларга тегишлидир. Мазкур турдаги низолар корпоратив низо ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 30-моддасига асосан бундай турдаги низолар туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқилади.

Бироқ, таъкидлаш лозимки амалдаги қонун ҳужжатларида юридик шахс номидан ҳаракат қилувчи шахслар унинг манфаатида ҳаракат қилишлари лозимлиги бошқарув органларининг мажбуриятлари сифатида кенг ёритилмаган.

Қонуннинг 81-моддаси биринчи қисмида белгиланган “жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш” тушунчасига айнан аниқ таъриф берилмаган бўлиб, қандай хатти-ҳаракатлар жамият манфаатларига зид равишда амалга оширилганлигига баҳо бериш асосан низони суд тартибида кўришда судлар томонидан амалга оширилади.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи қисм), www.lex.uz.
SJIF: 5.051

Судлар мазкур тоифадаги ишларни кўришда асосан жамият бошқарув органларининг хатти-ҳаракатларига “оқиллик” ва “ҳалоллик” тамойилларидан келиб чиқиб баҳо берадилар.

Г.Ю.Лескова, Ю.Д.Жукова Ю, К.П.Павловаларларга кўра қонун ҳужжатларида (акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари батафсил тартибга солинганига қарамай, корпорация (хўжалик жамияти) ва унинг иштирокчилари мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш учун таклиф этилаётган воситалар ҳар доим ҳам самарадорликни кўрсатмайди. Асосий муаммо мазкур турдаги низоларга оид ишларни судда кўриб чиқиш жараёнида амалий тавсифлар ишлаб чиқилмаганлигидадир. Амалдаги қонунчиликдаги назарий база “оқиллик”, “айб”, эҳтиёткорлик ва огоҳлик” ва “оқилна (оқланган) тадбиркорлик таваккалчилиги” каби тушунчаларни баҳолаш учун етарли эмас. Мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англамай туриб директор ўз вазифаларини бузган-бузмаганлигини баҳолаш учун тўлиқ мезонларни ишлаб чиқиш мумкин эмас⁷.

Олимларнинг юқорида келтирилган фикрига қўшимча қилган ҳолда, акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари томонидан қонун ва улар билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ваколатларни амалга оширишда, уларнинг хатти-ҳаракатларини “оқиллик” ва “ҳалоллик” тамойилларига мувофиқ амалга оширилган бўлишига қарамасдан, акциядорлик жамиятига зарар етиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш лозим. Бироқ, бундан зарар етказилишига асосан бўлган хатти-ҳаракатлар

⁷ Лескова Ю. Г., Жукова Ю. Д., Павлова К. П. Гражданско-правовая ответственность членов органов управления хозяйственных обществ: тенденции развития российского законодательства и опыт зарубежных стран // Вестник Пермского университета. Юридические науки. 2018. Вып. 40. С. 264–289. DOI: 10.17072/1995-4190-2018-40-264-289.

тижорат таваккалчилиги билан оқланган бўлиши, уларни амалга ошириш жараёнида (йирик битимлар нуқтаи назаридан йирик битим тузиш ҳақида қарор қабул қилиш жараёнида) жамият бошқарув органлари жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутган бўлишлари, битимнинг тузилишидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмасликлари лозим.

Е.Н.Назарованинг таъкидлашича, “оқиллик” ва “ҳалоллик” тамойиллари тўғрисида фикр юритилар экан, “бу ҳолатда шахснинг хатти-ҳаракатлари субъектив мезонлар (“билганлиги”, “билиши керак бўлганлиги” ва ҳ.к.) ёки объектив мезонлар (“етарли даражада эҳтиёткорлик ёки огоҳликни намоён этганлиги” ва бошқалар) нуқтаи назаридан баҳоланади⁸.

Шу нуқтаи назардан, ҳозирги вақтда амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, акциядорлик жамиятларидаги бошқарув органларини йирик битимлар тузилиши натижасида жавобгарликка тортиш юзасидан бир қатор бир қатор камчиликлар мавжуд. Масалан,

1. Амалдаги қонун ҳужжатларидаги йирик битим тушунчасининг ноаниқлиги

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этган битим йирик битим деб ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳар бир акциядорлик жамиятида унинг соф активлари миқдоридан келиб чиқиб ҳар хил бўлиши мумкин. Йирик битим қийматига нисбатан қўйилган талабларнинг универсал

⁸ Назарова Е.Н. Гражданско-правовая ответственность членов органов управления хозяйственных обществ: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2015. 25 с.
SJIF: 5.051

эмаслиги битим иккинчи тарафининг келгусида унинг ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида зарар кўришига олиб келиши мумкин.

2. Йирик битимни тузиш ҳақида қарор қабул қилишда акциядорлик жамиятларидаги ички назоратнинг суствлиги

Кўп ҳолларда кузатув кенгаши ёки акциядорлар умумий йиғилиши томонидан йирик битимларни тасдиқлаш фақат формал тарзда амалга оширилади. Бунда битимнинг иқтисодий манфаатдорлиги ва оқибатлари чуқур таҳлил қилинмайди.

3. Бошқарув органлари жавобгарлигининг чекланганлиги

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида жамиятга зарар етказган шахсларнинг шахсий жавобгарлигига оид нормалар умумий кўринишда берилган, уларнинг амалиётда қўлланилишида мураккабликлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан уларга янада аниқлик киритиш нуқтаи назаридан такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд

4. Маълумотларни ошкор этиш мажбуриятининг етарли эмаслиги

Йирик битимлар тўғрисида акциядорларга ва давлат органларига ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш мажбурияти амалда суств бажарилмоқда. Бу акциядорларнинг хабардорлик даражасини пасайтиради.

5. Суд амалиётида ноаниқлик

Йирик битимлар юзасидан жавобгарликни белгилашда суд амалиётида турлича ёндашувлар мавжуд, бу эса ҳуқуқий барқарорликка путур етказади.

Юқоридаги каби қамчиликларни бартараф этиш, акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун

хужжатларида йирик битимлар натижасида бошқарув органлари томонидан жамиятга етказилган зарарни қоплаш юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

1. Йирик битим таърифи ва мезонларини қайта кўриб чиқиш

Йирик битимни фақат активлар миқдорига эмас, балки жамият фаолиятига таъсир даражасига кўра ҳам баҳолаш лозим. Қонунга аниқ молиявий ва ҳуқуқий мезонлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, қонун ҳужжатларида жамият кундалик фаолияти учун зарур бўлган битимлар тушунчасига аниқ таъриф бериш орқали уни йирик битимлар доирасидан ажратиш

2. Бошқарув органлари жавобгарлигини мустаҳкамлаш

Амалдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳужжатларида бошқарув органлари аъзоларининг йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши натижасида жамиятга етказилган зарар юзасидан шахсий мол-мулк билан жавобгар бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланиши керак.

3. Йирик битимларни мажбурий тарзда ташқи аудит текширувидан ўтказиш масалаларини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сонли (янги таҳрирдаги) Қонунининг 84-моддаси тўртинчи қисмида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилиниши белгиланган. Мазкур

қонун нормасини мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан йирик битимлар шартларини ўрганишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, уни тузиш ҳақида қарор қабул қилиш юзасидан ижобий ва салбий хулосалар бериш тартибларини ва асосларини аниқ ёритиб бериш лозим.

4. Маълумотларни ошкор қилиш (дисклозинг) тизимини кучайтириш

Барча йирик битимлар юзасидан акциядорлик жамиятининг расмий интернет веб-сайти ва оммавий ахборот воситалари орқали акциядорларга расмий ахборот бериш мажбурияти киритилиши лозим.

5. Судлар учун махсус йўриқнома ва тавсиялар ишлаб чиқиш

Йирик битимлар юзасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда судлар учун махсус методик тавсиялар, прецедентлар ва зарарни ҳисоблаш услублари тасдиқланиши мақсадга мувофиқ. Бунда, тегишли суд пленуми қарорини қабул қилиш таклиф этилади.

6. Қонунбузарлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини кенгайтириш

Акциядорлик жамиятларидаги мавжуд бошқарув органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида жамиятга йирик зарар етказилганда, фақат моддий эмас, балки маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари ҳам кенгайтирилиши лозим. Шунингдек, мазкур жавобгарликка тортилган шахсларни маълум вақт давомида ёки бутунлай компанияларда бошқарув функцияларини бажарувчи лавозимларга тайинланиш ҳуқуқидан маҳрум этишни назарда тутувчи қонун нормаларининг қабул қилиниши таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи қисм), www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, www.lex.uz.
4. Ҳ.Р. Раҳмонқулов, С.С. Гулямов. Корпоратив ҳуқуқ. Ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2007. 60-б.
5. Лескова Ю. Г., Жукова Ю. Д., Павлова К. П. Гражданско-правовая ответственность членов органов управления хозяйственных обществ: тенденции развития российского законодательства и опыт зарубежных стран // Вестник Пермского университета. Юридические науки. 2018. Вып. 40. С. 264–289. DOI: 10.17072/1995-4190-2018-40-264-289.
6. Назарова Е.Н. Гражданско-правовая ответственность членов органов управления хозяйственных обществ: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2015. 25 с.